# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М. Маҳаметова тақдим этди. Таклиф этилган ўзгартишлар фуқароларнинг никоҳдан ўтиши пайтидаги алоҳида ҳолатлар ва шароитларни ҳисобга олиш имконини беради. Қонун лойиҳаси бошқа мамлакатларнинг ўхшаш масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш борасидаги тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистон мутахассислари ҳамда экспертларининг фикрлари ва хулосалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Киритилаётган тузатишларни батафсил муҳокама қилгандан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар ва масъул қўмитага уни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ўтган йили парламентнинг қуйи палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мамлакатни ривожлантириш концепциясига мувофиқ олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш борасида катта ишларни амалга оширди. Ҳисобот даврида қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назорат қилишга, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, қонунчилик фаолиятининг шакллари ва усулларини такомиллаштиришга, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунга мувофиқ парламентда сиёсий партиялар фракцияларининг фаоллигини оширишга катта эътибор берилди. Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2009 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларини ҳам кўриб чиқдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқида олдинга қўйилган вазифаларга мувофиқ депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг устуворликлари белгиланган. Парламент қуйи палатасининг ишида суд-ҳуқуқ ислоҳотини бундан буён ҳам амалга оширишга, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга, мамлакат иқтисодиётининг реал секторини мустаҳкамлашга, шунингдек, ижтимоий соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

«Япония — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси:

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўплаб қадимий маданий ёдгорликлар, жумладан, япониялик сайёҳ ва тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб этувчи буддавийлик маданиятига оид осори-атиқалар ўрин олган. Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган тарихий-меъморий обидаларни тиклаш ва ободонлаштириш, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истар эдим», деди олим.

Тадбирда, шунингдек, Японияда бўлиб ўтган «XIII Халқаро Гунма ёшлар оркестри фестивали»да ўзбек миллий ва мумтоз мусиқалари ижроси билан иштирок этган Р. Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа лицейи директори Б. Қурбонов раҳбарлигидаги ўзбекистонлик ёш мусиқачилар делегацияси қатнашди.

Йиғилишнинг яна бир меҳмони — «Poplar Publishing» матбаа компанияси муҳаррири Тадамаса Ёшида Ўзбекистон «Буюк Ипак йўли» маркази ва Ғарб билан Шарқ ўртасидаги ўзига хос кўприк эканини қайд этди. «Ўзбекистонда илк бор 2008 йил ёз ойида бўлганман. Таъкидлашим лозим, ўзбек халқининг очиқкўнгиллиги ва самимий меҳмондўстлиги мени ҳайратда қолдирди. Сафар асносида илмий-маърифий йўналишларда турли манбалар тўпладим. Улардан келгусида япон тилида тайёрланажак Ўзбекистон тўғрисидаги китобимда фойдаланаман. Умид қиламанки, унинг нашр этилиши Япония жамоатчилигини ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси билан янада яқинроқ танишиши учун имконият яратади», деди Т. Ёшида сўзи якунида.

**«Жаҳон» АА.**
**Токио.**

*Дунёда шундай неъматлар борки, уларни ҳақли равишда олтинга муқояса қилишади. “Олтин давр”, “оқ олтин”, “қора олтин”. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу муқоясани ўзида мужассам этган неъматлар кўплаб давлатларнинг асосий даромад манбаи, ошу нони. Биргина нефтни оладиган бўлсак, у кўплаб давлатлар бюджетининг бирламчи даромади саналади. Уларни “миллат хазинаси” деб ҳам атайдилар. Шундай олтин соҳалардан яна бири туризмдир. Греция, Испания, Италия, Франция, Миср, Индонезия, Туркия, Хитой каби давлатлар сайёҳлик туфайли миллиардлаб фойда кўраётир. Зеро, бу соҳа минглаб иш ўринларини яратиш баробарида, мамлакат довруғини ёйиш учун улкан имконият ҳамдир.*

Парламент назорати

# ТУРИЗМ – ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Ўзбекистон — сайёҳлик учун зарур барча ресурсларга, салоҳиятга эга. Пурвиқор тоғларимизда абадий музликлар, уч минг йиллик инсоният тамаддунига гувоҳ шаҳарларимиз, адоғи йўқ чўлларимиз, яшил водийларимиз, минг бир дардга шифо зилол сувларимиз бор. Энг муҳими, аждодлар қадриятини эъзозлаб келаётган танти халқимиз бор.

Бундай салоҳиятни юзага чиқариш, ундан оқилона фойдаланиш истиқлол йилларида Президентимиз бошчилигида олиб борилган ислоҳотлар, ўзгаришлар марказида турди. Аввало, юртимизнинг бетакрор табиати, тарихий меросини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш чоралари кўрилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон шаҳарларининг юбилей-саналари кенг миқёсда нишонланди, дунё фанига мислсиз ҳисса қўшган алломаларимиз номлари тикланди.

Шунингдек, мамлакатимизда туризмни тубдан ислоҳ қилиш, соҳага замонавий бозор тенденцияларини жалб этиш, кадрлар билан таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. “Туризм тўғрисида”ги Қонун бугун мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосини таъминламоқда.

Парламентимиз юқори палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятидаги ижросини вилоят Кенгаши билан бирга назорат-таҳлил тартибида кўриб чиққанда, сайёҳлик мамлакатимизда тобора равнақ топаётгани яна бир карра ойдинлашди. Зотан, уч минг йиллик тарих синоатларини ўз бағрида жо этган бу замин хорижликларни ўзига оҳанрабодек тортмоқда.

Хоразмда жами 208 та маданий мерос объекти, шу жумладан, 16 та археология, 124 та меъморчилик ёдгорликлари, 7 та ансамбль, 28 та диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳ мавжуд. Улар туристларни вилоятга жалб қилишда асосий омилдир. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг кўмагида Хива шаҳрининг 2500, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800, “Авесто”нинг 2700, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йилликларига бағишланган халқаро юбилей тадбирлари кенг нишонланди. Демак, Хоразм ўз сайёҳлик салоҳияти билан жаҳон жамоатчилигини янада кенгроқ жалб этмоқда. Буни ўтган йил кўрсаткичлари ҳам исботлаб турибди. Вилоятга 2008 йилнинг ўн ойида 38 минг нафарга яқин хорижлик ташриф буюрди. Шу даврда сайёҳларга 2 миллиард 267 миллион 206 минг сўмлик хизматлар кўрсатилди.

Қўмита ишчи гуруҳининг ўрганишича, Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини тубдан яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2006-2010 йилларда Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш ҳудудий дастури тасдиқланган. У вилоятда туризм инфратузилмасини шакллантириш, соҳага кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, реклама ва ахборот билан таъминлаш каби кенг кўламдаги чора-тадбирларни ўзида мужассам этган. Мисол учун, дастурга биноан, меҳмонхоналар қуриш, реконструкция қилиш учун 7 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш белгиланган. Бугунги кунда мазкур маблағларнинг аксарияти ўзлаштирилди.

Вилоятда сайёҳлик хизматлари кўрсатиш учун лицензияси бўлган муассаса ва ташкилотлар сони 20 тани ташкил этади. Уларнинг аксарияти бевосита меҳмонхона хизмати билан машғул. Туристларга меҳмонхона хизмати кўрсатиш борасида “Ўзолмонхотелз” қўшма корхонасининг Урганч шаҳридаги “Хоразм-Палас” (143 ўринли), Хива шаҳридаги “Азия-Хива” (165 ўринли), “Хива маликаси” (164 ўринли) меҳмонхоналари фаолияти, айниқса, эътиборга моликдир. “Хоразм-Палас” меҳмонхонаси 2005 йилда Швейцариядаги “Ишбилармонлик амалиётида юқори сифат учун” халқаро жамғармасининг олтин медалига, 2008 йилда эса Испаниянинг Нոширлик гуруҳи ҳамда Савдо лидерлари клуби ҳамкорликда таъсис этган “Туризм, меҳмонхона иши ва гастрономия” халқаро мукофотига сазовор бўлган. Буларнинг бари ишларнинг тўғри ташкил қилингани самараси, албатта. Бундан ташқари, Хива шаҳридаги ўндан ортиқ кичик хусусий меҳмонхона ҳам сифатли сайёҳлик хизмати кўрсатиш борасида муайян ютуқларга эришмоқда.

Соҳа тараққиётини, табиийки, салоҳиятли ва замонавий кадрлар белгилайди. Юртбошимиз раҳнамолигида вилоятда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътибор кучайди. Жумладан, 2006 йилда очилган Урганч шаҳридаги туризм касб-ҳунар коллежида 1100 нафарга яқин ўқувчи туристик хизматларнинг 8 йўналиши бўйича таълим олаётир. Шунингдек, 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Урганч давлат университетида туризм йўналиши бўйича бакалавриат бўлими ташкил этилди. Ва унга 25 нафар талаба қабул қилинди.

Ҳўш, бажарилган ишлар, эришилган ютуқлар мавжуд салоҳиятимизга, имкониятларимизга мосми? Парламент аъзолари таҳлиллари жараёнида шу нарса аниқ бўладики, бажарилиши керак бўлган ишлар талайгина. Аввало, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва улар ҳузуридаги тегишли доимий комиссияларнинг туризмни ривожлантириш борасидаги фаолиятида ташаббускорлик етишмайди. Зотан, давлатимиз раҳбари ҳар бир вилоят кенгашида иштирок этар экан, депутатларни фаол бўлишга, ҳудудий муаммоларни ечишда ташаббускорликка чорлайди. Бироқ маҳаллий кенгаш ёки унинг доимий комиссияси томонидан муайян ҳудудда туризмни ривожлантириш борасида масъул шахсларнинг ҳисоботлари муҳокама этилмаган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳудудларнинг туристик салоҳиятини юксалтириш инфратузилмасини барпо этиш, тарихий ёдгорликларни асраш юзасидан зарур ишлар олиб бориши лозим. Хусусан, Ҳазорасп туманидаги қарийб 3000 йиллик Ҳазорасп қалъаси бугун алоҳида эътиборга муҳтож. Чунки ушбу мажмуа кўплаб туристларни, маҳаллий ва чет эллик олим ҳамда мутахассисларни қизиқтириб келади.

Вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини инобатга олиб, тегишли инфратузилмани барпо этиш масаласига жиддий ёндашиш тақозо этилади. Чунки Хоразм туризм учун ҳақиқий манба. Шу маънода Хива шаҳри билан тарихий обидалар жойлашган бошқа туманлар, экотуризм учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар оралиғидаги йўлларда замонавий кемпинглар барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Дейлик, Урганч — Хива, Хива — Ҳазорасп автомобиль йўллари ёқасида ана шундай кемпингларни барпо этиш заруриятга айланган. Бинобарин, қадимги Хоразмнинг барча тарихий ёдгорликлари билан туристларни таништиришда юзага келаётган аксарият муаммолар ечими ана шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Сайёҳларни кўпроқ жалб этишнинг яна бир муҳим омили реклама ва тарғибот-ташвиқот ишларидир. Бу тадбирни, замонавий атама билан айтганда, пиар-кампанияни кучайтириш зарур. Зеро, вилоятда бу борада олиб борилаётган ишларнинг сифат даражаси анча паст. Хусусан, маҳаллий ҳамда марказий телерадиоканаллар, газета, журналлар орқали берилаётган, Хоразмнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этишга қаратилган материалларда таъсирчанлик ҳамда томошабинни ўзига жалб эта олиш каби хусусиятлар етишмайди. Реклама фаолиятини самарали йўлга қўйишда хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни ўрнатиш, он-лайн рекламаларни кучайтириш ҳаётий заруратга айланди.

Қонун ижросини ўрганган ишчи гуруҳ туристларга транспорт хизмати кўрсатишда хусусий тадбиркорларни жалб этиш, шу йўл билан ҳам хизмат сифатини оширишга вилоятда эътибор сустлигини аниқлади. Аслида, бу ишнинг тўғри йўлга қўйилиши ҳудудда қўшимча иш ўринлари яратилишига туртки беради. Мисол учун, Самарқанд ёки Бухоро шаҳридан Хоразмга келувчи ёки Хоразмдан мазкур шаҳарларга борувчи туристларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги хусусий тадбиркорлар транспорт хизмати кўрсатмоқда. Таҳлилларга кўра эса, у ёки бу мамлакатга ҳар 30 нафар сайёҳнинг ташрифи туризм соҳасида 1 та, мазкур соҳа билан боғлиқ бўлган тармоқларда 2 та қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берар экан. Мавжуд имкониятлардан, салоҳиятлардан оқилона фойдаланиш, амалдаги қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, албатта, туризмнинг барқарор ривожланишига, минглаб ҳамюртларимизнинг иш билан таъминланишига замин яратади.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИШ ҲАЖМИ ЯНАДА ОРТАДИ



Хизмат

***“Қорақалпоқавтотеххизмат” акциядорлик жамияти жамоаси аҳолига замонавий сервис хизматлари кўрсатиб келмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 60 нафар юқори малакали уста-чилангарнинг ишидан Қорақалпоғистон аҳли мамнун.***



Нега деганда, жамиятнинг уста-чилангарлари ҳар чоракда Асака ва Тошкент шаҳарларида касбий маҳоратларини ошириб қайтадилар.

Жамият томонидан аҳолига ўтган йил давомида 357 362 минг сўмлик маиший, 173 033 минг сўмлик пуллик ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилди. Шунингдек, автомобилларга техник хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида замонавий ускуналар олиб келинмоқда. Жумладан, яқинда “Шевроле” русумидаги автомашиналарни таъмирлаш учун тўртта янги ускуна олиб келиш режалаштирилган.

**СУРАТДА:** чилангарлар М. Кўшкинбоев, Ш. Исмоилов, Е. Ниятуллаев.

**Б. АКРАМОВ олган сурат.**

***Айни пайтда Фарғона вилоятида 90 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, улардан 22 таси россиялик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган. Жумладан, 3 таси 2008 йилда иш бошлади. Натижада 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.***

Ҳамкорлик

# ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА — РОССИЯ САРМОЯСИ

“Факел” ишлаб чиқариш корхонаси россиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган илк қўшма корхона ҳисобланади. Мана, етти йилдирки, ушбу корхонада мамлакатимиз нефть, газ-кимё саноати учун эҳтиёт қисмлар, зарур ускуналар ишлаб чиқарилаяпти. “Қўқон механика заводи” акциядорлик жамияти ва “Стройметснаб” масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигининг меваси бўлиши бу корхона натижалари, қолаверса, юртимизда чет эл сармоядорларига яратиб берилган шарт-шароит ва имтиёзлар россияликларнинг Ўзбекистон жавоҳири – Фарғонага бўлган қизиқишини янада ошириб юборди. Исботими? Сўнгги икки йил ичида Қўқонда ташкил этилган ҳар икки корхонанинг бирида Россия сармоядорларининг улуши бор. Шулардан бири – “Коттон-экспорт” савдо уйи ҳамда “Либос текс” корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган “EXIM TEKSTILE” қўшма корхонаси. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларига юртимизнинг барча ҳудудларида талаб ортиб бораяпти.

Қўқон сутни қайта ишлаш корхонаси кейинги йилларда иқтисодий инқироз ёқасига келиб қолганди. Корхонага Россиядан138 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиб, хорижнинг замонавий сутни қайта ишлаш дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Шу тариқа “Қўқонсутмаҳсулотлари” қайта оёққа турди. 90 дан зиёд ёшлар яна иш жойларига қайтди. Улар томонидан ҳозирда хориж маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша оладиган кўплаб турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Риштон туманидаги тўқимачилик корхонаси ҳам мулкдорларнинг ўзгарувериши туфайли иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолганди. Ўтган йили бу корхонага Россиянинг “Классик+” савдо уйи ҳамда “Албфастройград” масъулияти чекланган жамияти томонидан салкам 2 миллион АҚШ долларилик сармоя киритилгач, “Рус-Ўзбек текс” тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган калава ипларнинг асосий қисми Россиядаги тўқимачилик корхоналарига жўнатилаяпти. Энг муҳими, риштонлик 400 дан зиёд ёш тўқимачиликнинг сир-асрорларини яхши ўзлаштириб, ишли бўлди.

Бир сўз билан айтганда, бугун вилоятнинг кўплаб туманларида россиялик сармоядорлар ҳамкорлигида ташкил этилган корхоналар ишлаб турибди. Улар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи билан экспорт қилинаётир. Ўз навбатида, Россияда ҳам фарғоналик ишбилармонлар иштирокида кўплаб корхоналар ишга туширилаяпти, савдо уйлари очилаяпти. 2008 йилда Фарғона вилоятининг Россиядаги ҳамкорлари билан ташқи савдо айланмаси салкам 163 миллион АҚШ долларини ташкил этгани ҳам бунинг яққол далилидир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# 2008 ЙИЛ ҲАҚИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўров Ўзбекистон эришган ютуқлар, унинг ички ва ташқи сиёсати жамиятимиз ва аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётганини ёрқин намоён этди. Масалан, фуқароларимизнинг аксарияти (90,7 фоизи) мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан қаноатланишини билдирди ҳамда уни “яхши ва барқарор” деб баҳолади. Шуниси эътиборга лойиқки, бу кўрсаткич сўров ўтказилган йиллар давомида барқарор сақланиб келмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш жамоатчилик фикрини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиз аҳолиси буни Ўзбекистоннинг нафақат 2008 йилдаги, балки истиқлол йилларида қўлга киритган энг катта ютуғи, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, жамоатчилик фикри давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг энг яхши кўзгуси ҳисобланади. Фуқароларимизнинг иқтисодиёт соҳаси ривожидан (85,4 фоиз), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлардан (87,1 фоиз), инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасидан (89,1 фоиз), фуқароларнинг шахсий хавфсизлигидан (94,1 фоиз) ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдан (86,6 фоиз) қониқиш ҳосил қилаётганининг юқори кўрсаткичлари ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришиш борасидаги муваффақиятлари фуқароларимизнинг мамлакатни ривожлантириш истиқболларини баҳолашида бевосита ўз аксини топмоқда. Сўралганларнинг аксарияти республикамизнинг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳақида ижобий фикр билдирди.

Сўров давомида олинган маълумотлар Юртбошимиз раҳбарлигида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар замирида аввало одамларимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш мақсадлари мужассамлигига мамлакатимиз аҳолисининг ишончи комил эканини тасдиқлайди. Ҳамюртларимизнинг фикрича, бунга иқтисодиёт ва аҳоли даромадининг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш туфайли эришилмоқда. Жумладан, респондентлар тадбиркорлар ва фермерлар ўз оиласи фаровонлигини яхшилашга интилаётганини қайд этди. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати самарадорлигининг ёрқин кўрсаткичларидан биридир.

Мол-мулк тўплаш кўрсаткичи аҳолининг пул даромадлари билан бевосита боғлиқдир. Айнан оилалардаги узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари уларнинг мулкка эгалик даражасини белгилайди. Сўров натижаларига кўра, 2008 йилда аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражаси ошди. Масалан, оилаларнинг 32,2 фоизи бугунги кунда шахсий автомобилга эга, қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этади.

Одамларнинг Ўзбекистонда яшаш учун қолишга интилишининг кучайиши ҳам намунали кўрсаткич ҳисобланади. Сўровда қатнашган фуқароларнинг аксарияти (89,5 фоизи) яшаш жойини ўзгартириш мақсадида Ўзбекистонни тарк этишни истамайди. Бу эса мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча аҳоли қатламлари учун, қайси ҳудудда яшаши, жинси, ёши, миллий ва диний мансублиги, ижтимоий мақоми, моддий таъминот даражасидан қатъи назар, етарлича ижтимоий-иқтисодий қулайликлар яратилганидан далолат беради.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг нафақат тенг ҳуқуқли, балки обрў-эътиборли аъзоси бўлиши учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал этишга тўғри келди. Республикамиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (қарийб 90 фоизи) давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг оқилона ташқи сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва маъқуллайди.

Умуман айтганда, сўров давомида юртдошларимизнинг ижтимоий кайфияти ва орзу-умидларида ижобий фикрлар устувор ўрин эгаллагани намоён бўлди. 2008 йилда жамиятимизда ҳукм сурган келажакка бўлган ишонч 2009 йилда ҳам ўз самарасини беришига фуқароларимизнинг ишончи комил.

2008 йил якунлари бўйича ўтказилган ушбу сўров натижалари Ўзбекистон ўз ривожланиш ва янгиланиш моделини амалга ошириши туфайли қисқа давр ичида барча жабҳаларда катта ютуқларга эришганини яққол исботлайди. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолиси ўзини эркин ҳис этадиган қулай ижтимоий муҳит вужудга келди.

«Ўзбекистон: жамоатчилик фикри – 2008» тадқиқоти аҳолининг Президент Ислом Каримовга ишончи юксак эканини яна бир карра яққол намоён этди. Давлатимиз раҳбари халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсий ҳамда ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган том маънодаги етакчидир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Оқ кукунли хатлар

***«The Wall Street Journal» таҳририяти биносига манзили кўрсатилмаган хатлар қолдириб кетилган.***



Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Конвертлардан тўрттаси очиб кўрилганда, уларга оқ кукун жойлаштирилгани маълум бўлди. Полиция хавфсизлик нуқтаи назаридан таҳририятдагиларни вақтинча бошқа жойга кўчирган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари мактубларга дахли борликда гумон қилинаётганлар сўроқ қилинишини билдирди.

## Ягона битим

***Дунёдаги йирик автомобилсозлик концернларидан саналган «Fiat» (Италия) ҳамда «Chrysler» (АҚШ) стратегик шерикчилик борасида бир битимга келди.***



Шартномага кўра, «Fiat» «Chrysler» акциялари пакетининг 35 фоизига эгалик қилади ва уни банкротликдан сақлаб қолади.

Икки концерн ҳамкорликда ишлаб чиқариладиган автоуловлар сифатини янада яхшилаш, уларнинг экологик зарарсизлигини ошириш, шунингдек, нархларнинг мижозларга мақбул келадиган қилиб белгиланишига ҳам эътибор қаратадилар.

## Қасамёд қилинди

***АҚШнинг янги сайланган президенти Барак Обама ўз лавозимига киришишидан олдин қилган қасамёди пайтида сўзларни чалкаштириб юборган.***



Маҳаллий нашрлар хабарига қараганда, Обама АҚШ Олий суди вакили Жон Робертснинг хатоси туфайли шундай вазиятга тушиб қолган. Қоидага кўра, қасамёд вақтида хатога йўл қўйиб бўлмайди. Шу боис, президент қайта қасамёд қилишга розилик берди. Иккинчи қасамёд Оқ уйда амалга оширилди. Унда ҳам Жон Робертс иштирок этди ва Барак Обамани давлат раҳбари лавозимига киришгани билан табриклади.

Эслатиб ўтамиз, АҚШнинг янги президенти инаугурация маросими 20 январь куни Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтди ва уни тўғридан-тўғри кузатиш учун 1,8 миллион киши ташриф буюрди.

## Очиқ денгизда 25 кун

***Мьянмалик икки нафар балиқчи 25 сутка очиқ денгизда қолиб кетган.***

«The Daily Mail» газетасининг ёзишича, улар ўзлари кетаётган кема ҳалокатга учраганидан сўнг муз учун мўлжалланган контейнерда жон сақлашган. Балиқчиларни Австралия қирғоқ қўриқчилари самолёти «яшил қитъа» ва Индонезия ўртасидаги Торрес бўғозидан топган.

Денгизчиларнинг сўзларига қараганда, уларнинг кемаси 25 кун бурун ҳалокатга учраган. Улар контейнердаги балиқ мойи ҳамда ёмғир суви билан кун кўришган.

## Қамоқхона ёпилади

***«Associated Press» ахборот агентлиги маълумотларига кўра, АҚШнинг янги раҳбарияти Гуантанамо қамоқхонасини ёпишга қарор қилган.***



Изоҳланишича, АҚШ миллий хавфсизлиги ва ташқи сиёсати манфаатлари учун шундай йўл тутишга жазм этилган. Гуантанамодаги маҳбусларнинг бир қисмини озодликка чиқариб юбориш режалаштирилган бўлса, қолганларини бошқа қамоқхоналарга кўчириш кўзда тутилган.

## Мижозларни сақлаш мақсадида

***Буюк Британиядаги «JD Wetherspoon» қовоқхоналарида пиво нархи сўнгги 20 йилда кузатилмаган даражада арзонлашди.***

Айни пайтда ана шундай жойларда ярим литр тоза, сифатли пиво 99 пенс (1,4 АҚШ доллари)дан сотилмоқда. Маълумотларга кўра, «JD Wetherspoon» эгалари иқтисодий танглик ҳукм сураётган ҳозирги даврда қовоқхоналарнинг ҳафталик даромадини ошириш ва мижозлар сонини камайтирмаслик мақсадида шундай йўл тутишга мажбур бўлмоқда. Бундан ташқари, «Greene King» ва «San Miguel» каби бир қатор пиво тайёрловчи корхоналар ўз маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бермоқда.

«The Times»нинг келтиришича, аслида бундай ичимликларнинг ярим литри ўртача 3,20 фунт стерлинг (4,4 АҚШ доллари)га тенгдир.

## Давлат тасарруфига ўтказилади



***Ливия президенти Муаммар Каддофий мамлакатдаги нефть компанияларини давлат ихтиёрига ўтказиш масаласини кўриб чиқмоқда, — дейилади «Reuters» ахборотида.***

— Нефть нархининг кескин тушиб кетаётгани учун шундай йўл тутмоқчимиз, — дейди давлат раҳбари. — Бундан ташқари, биз ОПЕК хоҳлаётган даражада «қора олтин» қазиб олиш ҳажмини камайтира олмаймиз.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЎзР ФА Тарих институти жамоаси илмий ходим Ринат Шигабдиновга отаси

**Начметдин ШИГАБДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

***Уйчи туманидаги Машад қишлоғини ҳунармандлар қишлоғи деб бежизга айтишмайди. Қай бир хонадонга кирманг, уй эгалари маълум бир ҳунар билан машғул эканликларига гувоҳ бўласиз. Биров ёғоч-тахтага ишлов бериш билан овора, яна кимдир эса косибчиликка меҳр қўйган...***

# УЧ ОҒАЙНИ ТАДБИРКОРЛАР

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

Ушбу қишлоқ инфратузилмаси яхши ривожланган. Бешта мактаб, болалар боғчалари, шифокорлик пункти ишлаб турибди. Равон йўлларни айтмайсизми? Бултур уларнинг ёнига каттагина спорт мажмуаси қўшилди. Айни чоғда машадликларнинг фарзандлари бу ерда спорт билан шуғулланишяпти. Аҳолининг турмуш тарзи ҳам ўзгарган. Илгаридагидек пастак уйлар деярли учрамайди. Уларнинг ўрнини баланд томли, пластик эшик ва деразали, пишиқ ғиштдан тикланган замонавий бинолар эгаллаган. Қишлоқ йилдан-йилга обод бўлиб бормоқда. У ерда кичик бозорча, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат шохобчалари бўлган гузарлар қурилди.

Саноат маҳалласида ана шундай гузарни уч ака-ука тадбиркор – Турғуновлар бунёд этишди. Улар барпо этган бу масқандан фуқаролар йиғини биноси, милиция таянч пункти жой олди, унинг ёнида очилган алоқа хизмати, сартарошхона, дорихона ва савдо шохобчаларида ўн етти нафар ёш иш билан таъминланди.

"Отабек" фермер хўжалиги раҳбари Пурмирза Комилов бошчилигида тикланган гузар эса Машад маҳалласи аҳлининг севимли масканига айланган.

— Эзгу ишга эш бўладиганлар кўп экан, кўпчиликнинг кўмаги билан катта-кичик муаммолар тезда ечим топяпти, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Насриддин Садриддинов. — 6,5 километр узунликдаги ички йўлларимизнинг кўп қисми таъмир талаб бўлиб қолганди. Бу йўллар ҳам Тўрамирза Комилов, Эргашбой Иброҳимов, Акмал Дадабоев сингари тадбиркорларнинг маблағи ҳисобига қайта асфальтланди. Ана шундай фидойи ҳамқишлоқларимиз янги-янги ишхоналар ҳам очишяпти.

Масалан, "Лола узор" кўп тармоқли фирмаси раҳбари Носиржон Мирзаахмедов сочиқ тўқиш цехини ишга тушириб, 80 нафар йигит-қизни ёнига тортди. Умуман олганда, қишлоғимиздаги тадбиркорлик тузилмалари ўтган йилнинг ўзида 200 га яқин кишини иш билан таъминлади.

Юртбошимиз томонидан 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дея эълон қилиниши муносабати билан Машад янада равнақ топиши, шубҳасиз. Бу йил, албатта, катта ҳажмда бунёдкорлик юмушлари амалга оширилади. Қишлоқ аҳли, ишбилармонлар ўзлари учун бир қанча вазифаларни белгилаб олишган. Масалан, "Қувурбоши" маҳалласида яшовчи хусусий тадбиркор Сайфиддин Насриддинов ҳудудда шифокорлик пункти қурмоқчи. Яккатут, Мустақиллик, Қўчқоров кўчалари аҳли эса 4,5 километр масофадаги йўлни таъмирдан чиқариш ҳаракатини бошлашди.

Қишлоқ фуқаролар йиғини белгилаган режадан аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ қатор амалий тадбирлар ўрин олган. Жумладан, тадбиркорлар кўмагида 500 дан ортиқ ишчи ўрни яратиш ҳам шулар жумласидандир. Бундан ташқари, кўча ва йўллар атрофида хиёбон ҳамда гулзорлар ташкил этиш, сервис хизмати нуқталарини кенгайтириш сингари хайрли юмушлар кўзда тутилганки, улар ижроси Машаднинг кўркини янада ошириб, қишлоқ аҳли ҳаётига ўзгача мазмун бахш этади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚАРИЯСИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

***Бугунги кунда мамлакатимизда 3 млн. 67 мингдан зиёд пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар мавжуд бўлиб, уларнинг ойлик тўлови ўз вақтида амалга оширилмоқда.***

**Ижтимоий ҳимоя**

Бу аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини мунтасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтиришнинг ҳукуматимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши самарасидир. Ғамхўрлик ва эътибордан баҳраманд пенсионерлар эса инсон қадри ва унинг манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган Юртбошимиз борлигидан, тинчлик ва хотиржамликда умргузаронлик қилаётганликларидан миннатдордирлар. Зеро, дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларида қарияларга пенсия тайинланмаслигини ҳисобга олсак, бизнинг юртимизда кексаларга катта иззат-ҳурмат кўрсатилаётганини янада теранроқ англаймиз. Амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг устуворлиги туфайли ўтган йиллардаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида уларнинг ҳеч бири зориқишига йўл қўйилмади. Улар кексалик гаштини суриш билан бирга, комил инсонни тарбиялаш, ёшларни эзгуликка даъват этиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш ишларига катта ҳисса қўшмоқдалар. Отахон ва онахонларимизнинг ҳаёт йўли, Ватан ва эл-юрт тараққиёти йўлидаги хизматлари ёшлар учун намуна мактаби вазифасини ўтамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Президентимизнинг 2006 йил 7 сентябрдаги «2007-2008 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори пенсионерларга хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, уларга самарали даволаш-профилактика хизмати кўрсатишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу ҳужжат талаблари асосида улар дори-дармонлар билан таъминланиш, электр энергияси ва жамоат транспортидан фойдаланиш, оромгоҳларга бепул йўлланма олиш, коммунал тўловларни тўлаш, ер-мулк ва даромад солиқлари бўйича бир қатор имтиёзларга эгадирлар. Жумладан, вазирлигимиз тасарруфидаги 8 та санаторийда ҳар йили минглаб пенсионер ўз саломатлигини тикламоқда. Биргина 2008 йилда пенсиялар миқдорининг уч марта оширилганлиги эса уларнинг эъзоз ва эътиборда эканликларидан далолат беради.

Табаррук қарияларимиз ҳолидан ҳамиша хабардор бўлиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш кундалик турмушимизнинг ажралмас қисми бўлиб, бу йўналишдаги савоб ишларни амалга ошириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Фахриддин СУЮНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсия таъминоти бошқармасининг бошлиғи.**

**Изланиш**

## Парҳез маҳсулот кўпаяди

Тахиатош шаҳридаги паррандачиликка ихтисослаштирилган "Қусшилиқ" масъулияти чекланган жамияти ўтган йили боқилаётган парранда сонини салкам 76 мингтага етказиб, бозорга 8 миллион донага яқин тухум чиқарди.

Жамоа жорий йилда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ҳамда аҳолини сифатли ва арзон парранда маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Самарқанддаги Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасига қарашли "Оҳалик-Ломанн-Парранда" очиқ акциядорлик жамиятидан шартнома асосида 30 мингта жўжа олиб келишни режалаштирмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

EXPRESS
tezkor va ishonchli to'lovlar tizimi
BANK

*Ҳурматли юртдошлар!*

**Республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири**
**Давлат-тижорат Халқ банкида**
**янги «Экспресс» тезкор электрон тўловлар тизими йўлга қўйилди.**

**Мазкур тўлов тизими орқали энди сиз:**

— *коммунал ва бошқа маиший тўловлар учун нақд пулда ва пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш;*

— *интернет ва мобил телефонлари орқали ҳисоб рақамларингиздаги маблағларни бошқариш, маълумотлар олиш, тўловларни амалга ошириш;*

— *шунингдек, уяли ва уй телефон тармоқлари орқали барча сўзлашувлар учун тўловларни қисқа сонияларда тўлашингиз мумкин.*

Бундан ташқари, республикамизнинг исталган шаҳри ва чекка қишлоғидан Халқ банки бўлимларига топширилган маблағларингизни мамлакатимизнинг исталган ҳудудига тезкор ўтказиш ва нақд пулда олиш каби қатор имкониятларга эга бўласиз.

**Халқ банки — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Эрон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси**
*1997 йилда ишлаб чиқарилган*
**«TOYOTA LAND CRUISER» русумли,**
*1992 йилда ишлаб чиқарилган*
**«MERSEDES BENZ 300 SEL» русумли,**
*1997 йилда ишлаб чиқарилган*
**«MERSEDES BENZ S320» русумли**
**автомашиналарни сотади.**
*Автомашиналарни 2009 йил 23 январдан 6 февралгача соат 10.00 дан 12.00 гача кўриш мумкин.*
**Телефонлар: 150-60-50, 150-60-65.**
518/73

*Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!*

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 10 февраль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 11 сентябрдаги 10-0811/8953-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, З. Шамсутдинова кўчаси, 23-«А» уйда жойлашган «Jisong Korea Industrial» ҚКга тегишли, жами ер майдони 10450 кв.м. бўлган 18 та бино ва 3 та иншоот қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 179 000 000 сўм.***

Кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

**Лицензия: DB 001 № 000004.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz**

***РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!***

SONATA
**Ўз йўлингни танла!**



Drive your way
**КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.**
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
HYUNDAI Official Partner
Tel. 250-11-11

**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**
**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"**
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
**а также:**
товар сертифицирован
форма оплаты-любая
**КАФЕЛЬ**
(облицовочный и напольный)
**САНТЕХНИКА**
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**
**Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04**
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

